

Рис. 5. Положительный наклон кривой индивидуального предложения труда: увеличение рабочего дня с ростом заработной платы




Рис. 6. Отрицательный наклон кривой индивидуального предложения: сокращение рабочего дня с ростом заработной платы [1]

**Выводы и предложения.** По результатам проведенного исследования, можно сделать выводы о том, что заработная плата как оплата труда работника отражает социально-экономическое положение в национальной экономике и уровень жизни в обществе. Заработная плата как социально-экономическая категория отно-

сится к числу самых сложных категорий экономической науки, анализ которой требует комплексного подхода. Различия в определениях сущности заработной платы обусловлены спецификой социально-экономических отношений на каждом этапе развития общества.

*Источник и литература:*

1. Микроэкономика теория и российская практика Учебник 1999 год.
2. Нигмаджанов У.Х. «Экономическая теория» 2010 год.
3. Базилев Н.И., Гурко С.П., Базылева М.Н. «Экономическая теория» 2003 год.
4. Налоговая система Республики Узбекистан.

**АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**Мавланова Наргиза Эшкузиевна -**  
Жиззах вилоят ҳокимлиги  
Болаларни ҳимоя қилиш котибияти мудири

**Аннотация:** Мақолада аёллар бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали меҳнатга лаёқатли аёлларнинг бандлигини ошириш, меҳнат бозорини тартибга солиш, турли ижтимоий муаммоларни ечиш бўйича амалий тавсия ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий механизмлар, аёллар иш билан бандлиги, меҳнат бозорини тартибга солиш, ҳаётга мотивациялаш, истиқболдаги чора-тадбирлар.

**СОЦИАЛЬНЫЕ МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ ЖЕНЩИН**

**Мавланова Наргиза Эшкузиевна -**  
Хокимият Джизакской области  
Руководитель Секретариата по защите детей

**Аннотация:** В статье исследуются социальные механизмы повышения женской занятости и ее особенности. Даны практические рекомендации и предложения по увеличению занятости трудоспособных женщин за счет развития социальной инфраструктуры, регулирования рынка труда, решения различных социальных проблем.

**Ключевые слова:** социальные механизмы, занятость женщин, регулирование рынка труда, мотивация к жизни, меры на будущее.

**SOCIAL MECHANISMS TO INCREASE WOMEN'S EMPLOYMENT**

**Mavlanova Nargiza Eshkuziyevna -**  
Jizzakh regional administration  
Head of the Secretariat for Child Protection

**Annotation:** The article examines the social mechanisms for increasing women's employment and its features. Practical recommendations and proposals are given to increase the employment of able-bodied women through the development of social infrastructure, regulation of the labor market, and the solution of various social problems.

**Keywords:** social mechanisms, employment of women, regulation of the labor market, motivation for life, measures for the future

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тараққиётида ижтимоий инфратузилманинг такомиллашиши кўп укладли иқтисодиёт шаклланишига, тадбиркорлик фаолияти ривожланишига, қишлоқларда саноат, транспорт, алоқа ва қурилишнинг тараққий этишига, аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси ҳамда даромадлари ошишига олиб келади. Мазкур тармоқларни ривожлантириш ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишида, фаравонлиги ошишида ҳамда ишчи кучи шаклланиши ва қайта тикланиши ва айниқса аёлларнинг бандлигини таъминлашда беқиёс ўрин тутади.

Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] “Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” вазифаси белгилаб берилган.

Шунингдек, ижтимоий инфратузилма ҳудудлар иқтисодиётининг муҳим элементларидан бири бўлиб, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжини қондириш учун шароитлар яратиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга қаратилган бўлиб, моддий ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Ушбу боғлиқликларнинг характери иқтисодиёт натижаларини ижтимоий муаммоларни ечишга йўналтириш зарурлигини белгилаб беради ва унинг аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидагича ифодалаб берган[2]:

“Аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш” муҳим.

Юқорида қайд этилган долзарб муаммоларни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ҳал этиш бўйича илмий-амалий асосланган ҳулосалар ва тавсияномалар ишлаб чиқиш мамлакат иқтисодиёт фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Аёлларнинг иш билан бандлиги муаммолари

бир қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган, жумладан, хорижлик олимлардан Ф.А.Хайек, Р.Э.Лукас, Р.С.Смит, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.А.Никифорова, Н.М.Римашевская, Е.Б.Мезенцева тадқиқотларида кенг баён этилган. Ўзбекистонда мазкур муаммони назарий ва амалий жиҳатдан Р.А.Убайдуллаева, Қ.Х.Абдурахмонов, Н.Х.Рахимова, Д.Н.Рахимова, Д.А.Артикова, Ж.Х.Бобаназарова, А.Ирматова ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Иқтисодчи олима Д.Н.Рахимованинг фикрича[3] “Меҳнат бозорида иқтисодий фаол аёлларнинг бандлик даражасини ҳисоблаш, асосий ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни янада тўлиқроқ ва табақалашган ҳолда таҳлил этиш, меҳнат салоҳиятидан фойдаланишни тартибга солиш имкониятини беради”.

Профессор Ш.Р.Холмўминов[4] кўрсатиб берганидек “Ҳозирги вақтга келиб, ижтимоий эҳтиёжлар нуқтаи назаридан қаралганда қишлоқ жойларидаги ҳолат ўзгариб, унда қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тамоқлар асосий иқтисодиёт секторига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқларни кенгайтириш масалаларига эътиборни қаратиш қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринларини ташкил этиш, норасмий иш билан бандликни камайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш имкониятини яратади”.

Ж.Х.Бобаназарованинг таъкидлашича[5] “Меҳнат бозори тартибга солиш аёл ишчи кучининг ижтимоий-руҳий, иқтисодий-молиявий, ташкилий, демографик тавсияларини ҳисобга олувчи фаолият соҳаларига йўналтириш билан белгиланади. Мазкур вазифалар оилавий юмушлар, фарзандлар тарбияси, касбий малака даражаси, ижтимоий инфратузилма соҳаларининг ривожланиши ва демографик ўзига хослик натижасида келиб чиқувчи бир қатор муаммолар, уларнинг ечими бевосита аёллар меҳнат бозорини тартибга солиш устуворликлари, бошқарув, ташкилий, моддий рағбатлантиришлар ҳар томонлама ислохотларни амалга оширишга таянади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида аёллар бандлигини таъминлашнинг ижтимоий механизмлари бўйича тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, баҳолаш, сўровномалар асосида социологик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ходимларга шу жумладан аёлларга меъёридаги меҳнат шaroитини яратиш ва ишчи кучини такрор ҳосил

қилиш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтиришни рағбатлантириш учун хизмат қилади. Ижтимоий инфратузилмасининг ривожланиш стратегияси ва унинг аёллар иш билан бандлигига таъсирини камайтириш йўналишлари қуйидагиларда ифодаланади: қишлоқ ва шаҳар ҳудудларидаги инфратузилмаларни интеграциялашни кучайтириш, меҳнатга лаёқатли аёллар иш билан бандлигининг мақбул тузилмасини шакллантириш бўйича устувор инфратузилма соҳаларини аниқлаш. Мазкур йўналишлар бевосита режалаштириш, замонавий хизмат кўрсатишда иш билан бандликни таъминлаш, демографик ва миграцион вазият таъсири, хизматлар кўрсатиш соҳаларида меҳнатга лаёқатли аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлашга таъсир кўрсатади.


Ўзбекистонда ишсизларнинг [6] 732 минг нафари ёшлар, 834 минг нафари хотин-қизлардир. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига 33 минг 380 нафар аёлни ҳаётга мотивациялаш ва касбга ўргатиш бўйича қисқа ўқув курсларини ташкил қилинди. Ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аёллар бизнес лойиҳалари рўйхатини шакллантириб, ойма-ой молиялаштириш, хотин-қизлар тадбиркорлиги дастури доирасида соддалаштирилган кредитлар ва грантлар ажратиш бўйича топшириқлар берилди.

Тадқиқотлар давомида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг аёллар иш билан бандлигига таъсири ҳамда хизмат кўрсатиш объектларида янги иш ўринларини ташкил этиш йўналишлари демографик омилларни ҳи-

собга олган ҳолда иш билан бандликнинг мақбул тузилмасини шакллантириш таклиф этилган.

Бизнингча, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: тоғли ҳудудлардан доривор ўсимликларни етиштириш, йиғиш ва қадоқлаш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш уйлари, махсус хонадонлар ташкил қилиш, ташкил қилинган хонадонларни миллий сўзана-лар, адрес, атлас ва бошқа миллий матолар билан безатиш, меъёр даражасида санитария-гигиена ҳолатлари асосида тартибга келтириш, миллий урф-одатлар билан яқиндан таништириш имкониятларини яратиш, миллий таомларни тайёрлаш сир-асрорларини тарғиб қилиш лозим. Меҳнат фаолиятининг бу шаклидан фойдаланиш иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш имконини беради, яна бир ижтимоий аҳамияти аёллар меҳнатидан оқилона фойдаланиш имконини яратади. Баъзи расмий тармоқларда ҳам норасмий иш билан бандлик мавжуд бўлиши мумкин, яъни бу ҳолат тармоқларда мавсумий, вақтинчалик, ва бир марталик ишларни бажаришда кўшимча ишчи кучига эҳтиёж сезилганда кузатилади.

Инфратузилма соҳаси фаолиятини кенгайтириш орқали ишчи кучи иш билан бандлиги даражасининг ошиши, ўз навбатида, аҳоли даромадларининг юксалиши ҳамда турмуш даражасининг яхшиланишига шароит яратади. Бу ҳолат, давлат томонидан миллий иқтисодиёт устувор тармоқларни барқарор ривожлантириш, иқтисодиётни тартибга солиш каби масалаларни самарали бажариш имконини яратади.



1-расм. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш негизда аёллар иш билан бандлигини ошириш чора-тадбирлари

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилишидаги муаммолар каби шароитларда аёл ишчи кучига талабни ошириш ва унинг тақлифини камайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир (1-расм).

Бизнингча, жамият ҳаётига таъсир этувчи ижтимоий инфратузилманинг асосий томонларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- аҳолининг эҳтиёжини қаноатлаштириш ва ишдан бўшаган аёл меҳнат ресурсларини моддий ишлаб чиқаришга жалб этиш учун шароитлар яратади;

- ижтимоий инфратузилманинг фаолият юритиши аёллар меҳнат фаоллиги чегарасини кенгайтириш, уларнинг ҳаракатини тартибга солиб туриш, аёллар ва эркеклар меҳнатлари ўртасидаги мутаносибликни шакллантириш, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовутни қисқартириш имкониятини беради;

- ижтимоий инфратузилма ривожини ёрдамида ишдан бўш вақт фондини кўпайтириш имконияти ва ундан фойдаланиш учун шароит яратилади;

- асосий эътибор ва таъсир аёллар ишчи кучи сифатини кўтаришга қаратилади ва инсон омилини жиддий фаоллаштириш учун восита бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, ижтимоий инфратузилма хизматлари билан таъминланганлик аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самардорлигига бевосита таъсир этади. Чунки турмуш шароитларининг яхшиланиши аёл ишчи кучи малакаси, меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келади. Лекин шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозир ижтимоий инфратузилма етарли даражада ривожланмаганлиги туфайли кўпчилик аёллар уй ишлари ва бола тарбияси билан шуғулланишга мажбур бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига етарлича ҳисса қўшмайдилар.

**Хулоса ва тақлифлар.** Ижтимоий механизмлар орасида малака даражаси, касбга йўналтириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, демографик омиллар, меҳнат миграцияси ва инновацион иш билан бандлик бўйича тарғибот, касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ, иқтисодий фаол аҳоли қатлами орасида аёлларнинг улушини кўпайтириш ишлари сингари кўрсаткичлар асосий ўрин эгаллайди. Бу

борада меҳнатни такрор ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва ундан фойдаланиш бўйича меҳнат муносабатлар ва меъёрлар тизимини ифодалайди. Бизнингча, ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш асосида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишни прогноз кўрсаткичларига эришиш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- тоғ ва тоғолди зоналарида интенсив боғлар ташкил этиш, ёнғоқзорлар майдонини кўпайтириш орқали етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва уни қайта ишлаш саноатида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш;

- мева-сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича аёллар учун ташкил этилган янги иш ўринларига инновацион ва маҳаллий-миллий технологияларни тўлиқ жорий қилишга эришиш;

- ҳудудларда тикувчилик бўйича аёллар учун янги иш ўринларини коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлашга шарт-шароитларни ташкил этиш;

- соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш асосида хотин-қизлар учун иш ўринларини нисбатан кўпроқ яратиш;

- мактабгача, ўрта ва ўрта махсус таълимлар соҳаларини ислоҳ қилиш асосида аёллар учун кўпроқ иш ўринларини ташкил этиш;

- хизмат кўрсатиш турлари, шу жумладан минтақанинг сайёҳлик-рекреацион салоҳияти, қиёсий устуворликлари ва имкониятларини аниқлаш асосида ички сайёҳлик бўйича янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш асосида қишлоқ аёллари бандлигини ошириш;

- жисмоний ва юридик шахсларга молиявий хизматлар доирасида тижорат ва ҳусусий банкларининг фаолиятларини кенгайтириш асосида янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларда нисбатан кўпроқ аёлларни ишга жойлаштириш;

- рақамли иқтисодиётни шаклланиши шароитида масофавий ва ўзини-ўзи иш билан бандлик турларини ривожлантириш негизида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишни иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳамда мазкур иш билан бандлик турларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. *Lex.uz.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.*
3. Рахимова Д.Н. Управление процессами развития трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. Диссертация док. экон. наук. – Т.: 2000. – 143 с.
4. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобаназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х., Саидов Н.Р. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари (монография). -Тошкент: "Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи", 2020, 43 бет.
5. Бобаназарова Ж.Х. Фуқаролик жамияти. -Тошкент. 2019. №4 (60), 30 бет.
6. <https://uz.uz/uz/posts/yeshlar-va-khotin-izlar-bandligini-taminlash>.